2026-YIL – MAHALLANI RIVOJLANTIRISH VA JAMIYATNI YUKSALTIRISH YILI

Qishloq hayoti

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETASI

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2026-yil 17-sentabr, payshanba

40 (9412)

t.me/Qishloqhayoti_gazetasi

КАРТОШКАЧИЛИКДА ЯНГИ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР:

ИЛМ-ФАН ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида фақат эски анъанавий кўникма ёки усулларга таяниб юқори ҳосил ва даромад олиб бўлмайди. Ернинг унумдорлигини тиклаш, таннархни тушириш ва энг муҳими, бозорбоп, сифатли маҳсулот етиштириш илм-фан ва амалиётнинг жипс ҳамкорлигини талаб этмоқда. Самарқанд вилоятининг Тойлоқ туманида ана шу икки омил бирлашди ва натижа узоқ куттирмади: “Аризона” навли картошкадан юқори ҳосил кўтарилди. Қизил нур остида уйғонган уруғ ва суякдан олинган табиий ўғит картошкачиликда кутилган самара берди.

Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, айниқса, халқимизда “иккинчи нон”, деб аталмиш картошка етиштиришда маҳаллий имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, уруғчиликни ривожлантириш ва ҳосилдорликни оширишга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 8 сентябрдаги “Республикада картошка етиштиришни кўпайтириш ва уруғчилигини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори соҳага илғор илмий ишланмалар ва ресурс тежайдиган агротехнологияларни кенг жорий этишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Картошкачиликда сифатли уруғлик экиш ва бу орқали ҳосилдорликни ошириш учун, энг аввало, илмий инновацияларни тўғридан-тўғри деҳқон даласига етказиш керак.

Агрохизматлар маркази (AKIS) олимлари ва мутахассислари томонидан Тойлоқ туманидаги тажрибали деҳқон хўжалиги раҳбари Тўлқин Юносов билан ҳамкорликда картошка ҳосилдорлигини ошириш учун далага иккита янги агротехнологияни олиб кирди. Биринчиси уруғлик туганакларни қизил нур ёрдамида тез нишлатиш бўлса, иккинчиси хонадонларда чиқинди сифатида қолиб кетаётган суяк хомашёсидан фосфор ва кальцийга бой органик ўғит тайёрлаш усулидир.

Қизил нур уруғликни 10 кунда уйғотади

Картошкачилик билан шуғулланадиган миришкорларимиз яхши билишади: уруғни экишга тайёрлаш ва нишлатиш одатда 30-35 кунни талаб қилади. Баъзан қоронғи ёки нотўғри шароитда унган нишлар ингичка, мўрт бўлиб қолиб, экиш пайтида синиб кетади. Бу эса ҳосилнинг камайишига олиб келади.

(Давоми 2-саҳифада)



СИРДАРЁДА ПАХТА ҲОСИЛИНИ ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛИШГА ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНЛАРИ ЎРГАНИЛДИ

Қишлоқ хўжалиги вазири Иброҳим Абдураҳмонов Сирдарё вилоятидаги “Пенг Шенг Агро Теч” компаниясининг Сирдарё тумани Ҳақиқат СИУ ҳудудидаги 60 гектарлик пахта майдонида бўлиб, ҳосилни йиғиб-териб олишга тайёргарлик жараёнларини кўздан кечирди.



Мазкур майдонда пахта ҳосилини теримга сифатли тайёрлаш мақсадида Этефон ва Авгурон препаратлари билан ишлов берилиб, десикация жараёни амалга оширилган. Дала кузатувлари давомида ғўзанинг барг ва пояларидаги қуриш жараёни, кўсакларнинг очилиши ҳамда ҳосилнинг теримга тайёрлик ҳолати ўрганилди.

Вазир десикация жараёни якунлангач, ғўзанинг тўлиқ қуриши ва пахта толаси ҳамда кўсакларнинг терим учун мақбул ҳолатга келишига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Шунингдек, ҳосилни белгиланган муддатларда ва сифатли йиғиб-териб олиш, пахтанинг далада қолиб кетишининг олдини олиш, терим жараёнларини техник жиҳатдан пухта ташкил этиш масалалари юзасидан масъулларга тегишли тавсиялар берилди.

Таъкидланганидек, теримни ғўза тўлиқ қуриб, пахта ҳосили йиғиб олиш учун оптимал ҳолатга келганидан сўнг бошлаш ҳосилни нес-нобуд қилмасдан йиғиб олиш ва унинг сифат кўрсаткичларини сақлаб қолишда муҳим аҳамиятга эга.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ахборот хизмати

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ



ҚУВА АНОРЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ ГЕОГРАФИЯСИ КЕНГАЙМОҚДА

Фарғона вилояти Қува туманида анорчилик соҳасида ўзига хос тажриба мактаби шаклланган. Айни пайтда қувалик миришкорлар анорнинг 70 дан ортиқ навини парваришлаб, мўл ва сифатли ҳосил етиштирмоқда. Мамлакатимиз ҳудудларига етказиб берилаётган анор кўчатларининг асосий қисми ҳам Қува туманида етиштирилмоқда.

2018 йилда давлатимиз раҳбарининг Фарғона вилоятига ташрифи чоғида «Фарғона анорзори» ихтисослаштирилган агрофирмаси фаолияти билан танишилиб, замонавий ёндашувлар асосида 2 минг гектар майдонда анорзорлар барпо этиш бўйича вазифалар белгиланган эди.

Бугунги кунда тумандаги 20 дан ортиқ маҳаллада 2 минг 500 дан зиёд хонадон анорчилик билан шуғулланиб, ушбу тармоқдан даромад олмоқда. Шунингдек, 373 та анорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги 2 минг 476 гектар майдонда фаолият юритмоқда.

– 3 гектар майдонда анорнинг 10 га яқин серҳосил ва экспортбоп навини парваришлаяпмиз. Жорий йилда ўртача 40 тонна ҳосил олишни режалаштирганмиз, – дейди “Толмозор анор боғи” фермер хўжалиги раҳбари Азамат Жалолов. — Айни пайтда йиғиб олинаётган ҳосилимиз Жанубий Корея, Болтиқбўйи мамлакатлари, Россия ва қўшни давлатларга экспорт қилинмоқда.

Қувалик боғбонлар анор етиштиришда замонавий агротехнологиялардан самарали фойдаланмоқда. Бунинг натижасида айрим навларда бир дона анорнинг вазни 1,8–2 килограммгача етиб, маҳсулотнинг экспортбоплиги ортиб бораяпти.

Етиштирилган ҳосилнинг бир қисми махсус омборхоналарда табиий усулда сақланиб, қиш-баҳор мавсумида бозорга чиқарилмоқда. Бу маҳсулотни мавсумдан ташқари даврда ҳам сотиш ва даромадни ошириш имконини бермоқда.

Туманда йилига ўртача 40–50 минг тонна анор етиштирилиб, тармоқдан олинаётган даромад 500–550 миллиард сўмни ташкил этади. Маҳсулотлар Россия, Жанубий Корея, Араб давлатлари, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон бозорларига экспорт қилинмоқда. Жорий йилда 30 миллион долларлик анор маҳсулотини хорижга йўналтириш режалаштирилган.

(Давоми 2-саҳифада)

ПАХТА ТОЛАСИНИНГ

ХАЛҚАРО МЕЗОНЛАРГА МОС МИЛЛИЙ СТАНДАРТЛАРИ СИФАТ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИК АСОСИ



Ўзбекистонда пахтачилик қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, унинг мамлакат иқтисодиёти ва экспорт салоҳиятидаги ўрни катта. Бугунги кунда пахта хомашёсини етиштириш билан бир қаторда, уни чуқур қайта ишлаш, сифатли тола ва юқори қўшилган қийматга эга тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.Жаҳон бозорида маҳсулотнинг рақобатбардошлиги нафақат унинг нархи, балки сифати, хавфсизлиги ва халқаро стандартларга мувофиқлиги билан ҳам белгиланади. Шу боис, пахта толаси сифатини баҳолашда қўлланиладиган миллий стандартларни халқаро талаблар билан уйғунлаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Айниқса, ИСО ва АСТМ каби халқаро стандартлар пахта толасининг турли сифат кўрсаткичларини аниқлашда кенг қўлланилади. Уларда тола узунлиги, чизиқли зичлик, ранги ва ташқи кўриниши, нуқсон ва ифлос аралашмалари, непслар ҳамда бошқа кўрсаткичларни аниқлашнинг замонавий усуллари белгиланган.

(Давоми 3-саҳифада)



ЭНЕРГЕТИК ИЧИМЛИКЛАР ОРГАНИЗМГА ҚАНДАЙ ТАЪСИР ҚИЛАДИ?

Энергетик ичимликлар – инсоннинг марказий асаб тизимини рағбатлантирувчи, чарчоқни вақтинчалик йўқотувчи ҳамда иш қобилиятини оширувчи синтетик ёки табиий компонентлар коктейлидир. Оддий лимонад ёки чойдан фарқли ўлароқ, улар қувват ҳосил қилмайди, балки инсоннинг ички захираларини қарзга олиб, уни мажбурий равишда сарфлашга мажбур қилади. Улар куч бағишловчи, ақлий фаолликни ва жисмоний иш қобилиятини оширувчи восита сифатида реклама қилинади.

(Давоми 4-саҳифада)

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Пахтачилик

“ҚЎЛ ТЕРИМИ” ТАРИХГА АЙЛАНИБ КЕТАДИМИ?



...Элатимизда икки нафар фермер хўжалиги бор. Ҳар иккиси ҳам пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган. Буғдойдан деярли саксон центнерлик хирмон уйган фермерлар бўшаган майдонларга тезпишар шоли экишган. Ҳосил чўғи ёмонмас. Фермернинг асосий даромад манбаи ҳисобланмиш пахта ҳосили пишиб етилганига анча бўлди. Ёзнинг кутилмаганда ўта иссиқ келиши ҳали август ойи бошларидаёқ ғўза тупларининг қуйи шохларидаги кўраклар қийғос очилишига имон яратди. Кўпчилик бу йил пахта терими август ойидаёқ бошланса керак, деб тахмин қилганди, аммо...

(Давоми 3-саҳифада)

ҒАЛЛА ЭКИШДА ТЕХНИКА ВА АГРОТЕХНИКАНИНГ ЎРНИ



Ғалла етиштиришда юқори ва сифатли ҳосил олиш, аввало, экиш жараёнини тўғри ташкил этишдан бошланади. Уруғликни тайёрлаш, ерга сифатли ишлов бериш, экиш муддатига риоя қилиш, уруғни белгиланган меъёрда ва бир хил чуқурликда қадаш каби агротехник тадбирлар келгусидаги ҳосилдорликка бевосита таъсир кўрсатади. Бу жараёнларда замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларидан самарали фойдаланиш эса иш унумдорлигини ошириб, қисқа муддатларда катта майдонларда сифатли экиш имконини беради.

(Давоми 3-саҳифада)

Авасси қўйларини маҳаллий зотлар билан чатиштириш орқали маҳаллий қўйларнинг аввало, сут маҳсулдорлигини ошириш, селекция ишларини такомиллаштириш ва юқори маҳсулдор дурагайларини олиш бўйича илмий тадқиқот ишлари йўлга қўйилди



КАРТОШКАЧИЛИКДА ЯНГИ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР: ИЛМ-ФАН ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

(Боши 1-саҳифада)

Картошка уруғлари туганакларини қизил нурлар ёрдамида ишловдан ўтказиш сўнгги йилларда қатор давлатларда самарали деб топилган, инновацион агротехнологик усуллардан ҳисобланади. Бу усул тугунакларда физиологик фаолликни жадаллаштириб, крахмалларни энергияга айлантиради, шу билан бирга, ниҳолларнинг эрта ва бир хилда пайдо бўлишига имкон яратади.

Натижада, уруғ тугунакларини эрта ва барқарор нишлатиш, ниҳолларнинг бир хил, симметрик ва соғлом бўлишига



эришиш, экин майдонларига эрта экишни таъминлаш, энергия самарадорлигини яхшилаш кимёвий моддаларсиз ишлов беришга йўл очади.

Қизил лампаларни танлашда 800-1500 ваттли керамик қизил лампалар қўлланилди, туганак юзасидан 30-50 см. юқорида жойлаштирилди. Ушбу технология ўрнатилган муҳитда ҳаво айланиши талаб этилади.

Қизил лампалар нури уруғлик туганакларга 1-1,5 метр баландликдан кунига 12-14 соат давомида берилди ва одатда 30-35 кун давом этадиган нишлаш муддати 10-15 кунгача қисқарди. Бу ёруғлик туганакдаги табиий ўсиш жараёнларини 30-50 фоизга жадаллаштириб, энг асосийси, чиққан нишлар узун бўлиб кетмасдан, йўғон, тўқ яшил ва далага экишга чидамли бўлиб шаклланди.

Мазкур илмий ёндашув асосида картошка уруғи ерга қадалгач, далада бир текис, 5-7 кун барвақт униб чиқиб, бақувват илдиз ёзди.

Чиқинди эмас, табиий бойлик

Ҳосил сифати ва салмоғини оширган иккинчи омил – маҳаллий шароитда суякдан тайёрланган органик ўғит бўлди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 2025 йилда гўшт маҳсулотларидан ҳосил бўладиган суяк хомашёси ҳажми импортни ҳам ҳисобга олганда, қарийб 390 минг тонна деб баҳоланган. Бу кўрсаткич суякни қайта ишлаш учун мавжуд хомашё салоҳиятини ифодалайди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ташаббуси билан маҳаллаларда ташкил этилган (жами 327 та хонадонда) амалий семинарлар доирасида ушбу хомашёни қайта ишлаш тизими ўргатилди. Республика агрокимёвий таҳлил маркази лабораторияси хулосасига кўра, уй шароитида сирка эритмаси ёрдамида тайёрланган суяк уни таркибида фосфор миқдори 9,69 фоизни, калий 0,023 фоизни, табиий кальций эса 20-25 фоизни ташкил этди.

Суяклар органик ўғит тайёрлашда асосий хомашё ҳисобланиб, уларни қайта ишлаш орқали таркибидаги минераллар олинади. Бунда гўшт қолдиқларидан ажралган суяклар яхшилаб ювилади, зарур бўлса катта бўлаклари майдаланади, сув ва саноат сиркасида (5-10%) тайёрланган аралашмага солинади. Аралашма ёпиқ (пластик) идишда 15-20 кун давомида сақланади, ҳар 2-3 кунда аралашма енгил чайқаб турилади. Тайёр суяклар сувдан олиниб сояда табиий қуритилади ва махсус майдалагич ёрдамида кукун шаклига келтирилади ва “суяк уни” деб номланади.

Тайёрланган “суяк уни” тўғридан-тўғри тупроққа солинганда ҳамда ундан ферментлаш йўли билан олинган “суяк шарбати” барг орқали сепилиб, экинга қўшимча куч бағишлайди. Натижада, қимматбаҳо кимёвий ўғитларга кетадиган харажат сезиларли даражада қисқаради, тупроқнинг микрофлораси бузилмайди, туганаклар эса кальций ҳисобига қалин пўст боғлаб, турли касалликларга чидамли бўлиб етилади.

Тажриба мактаби сари

“Бир гектар картошка даламизда қўлланилган ушбу илмий янгиликда харажатларни кескин камайтирган ҳолда, юқори ҳосил олиш мумкинлигига тўлиқ амин бўлдик. Илгари уруғ нишлатишнинг ўзига бир ойдан кўп вақт кетарди, минерал ўғитларга ҳам миллионлаб пул сарфлардик. Ҳосил ҳам бу даражага етмас эди. Илм ва тажриба уйғунлашса, ер албатта, ўз саховатини намоён этар экан. Мана бугунги натижа кўрсатиб турибди, бу йилги ҳосил ўтган йилигидан 15 тонага ошди ва 50 тоннага етди”, дейди деҳқон хўжалиги раҳбари Тўлқин Юносов.

Далаларда муваффақиятли қўлланилаётган ушбу тажриба аграр соҳага янгича ва оқилона ёндашув кириб келишини янада жадаллашаётганидан далолат беради. Мазкур тежамкор ва юқори самарали агротехнологияни амалиётга кенг жорий этиш қишлоқ аҳолиси, фермер ва деҳқон хўжаликлари даромадларини ошириш, минерал ўғитларга сарфланадиган харажатларни қисқартириш, пировардида аҳоли дастурхони тўкинлиги ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Зафар АРТИКОВ,
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Мева-узумчилик, сабзавот, полиз ва картошкачиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи.

“ЯШНОБОД” ИННОВАЦИЯ ТЕХНОПАРКИ

Илмий ғояни иқтисодий қийматга айлантираётган замонавий майдон

Бугун дунёда иқтисодий рақобатнинг мазмун-моҳияти тубдан ўзгармоқда. Энди мамлакатларнинг тараққиёт даражаси фақат табиий ресурслар, ишлаб чиқариш қуввати ёки молиявий имкониятлар билан эмас, балки янги ғояни яратиш, уни технологияга айлантириш ва бозорга тез олиб чиқиш салоҳияти билан ҳам белгиланмоқда. Шу боис илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, технологик янгиланишни рағбатлантириш, инновацион тадбиркорлик учун қулай муҳит яратиш бугун иқтисодий сиёсатнинг стратегик йўналишларидан бирига айланди.

Янги Ўзбекистонда бу борада кенг кўламли ва тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Илмий ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш, замонавий технологияларга асосланган ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар яратиш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Ана шу жараёнда технопарклар илм-фан билан ишлаб чиқариш, ихтиро билан бозор, ғоя билан тайёр маҳсулот ўртасидаги масофани қисқартирувчи муҳим бўғинга айланмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 5 июндаги фармони асосида ташкил этилган “Яшнобод” инновация технопарки бугун янги ишланмаларни амалиётга жорий этиш, замонавий ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларидан бири сифатида ўз ўрнини мустаҳкамлаб бормоқда.

Юксак мақсадлар сари ташланган илк қадамлар

“Яшнобод” инновация технопарки фаолияти замирида аниқ мақсад ва вазифалар мужассам. Аввало, инновацион ғояларни амалий лойиҳаларга айлантириш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, бозор талабига жавоб берадиган янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда замонавий технологияларга асосланган тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш шулар жумласидандир. Шу мақсадда инновацион лойиҳаларни амалга ошириш истагидаги тадбиркорлик субъектлари билан тизимли ишлар олиб борилмоқда. Улар учун ишлаб чиқаришни ташкил этиш, фаолиятни кенгайтириш, янги технологик ечимларни жорий қилиш ва маҳсулотни бозорга олиб чиқишга хизмат қиладиган инфратузилма ҳамда ташкилий имкониятлар яратилмоқда.

Рақамлар ҳам бу ишларнинг кўламини яққол кўрсатади. Хусусан, 2021-2026 йиллар давомида 156 та тадбиркорлик субъектига резидентлик мақоми берилди. Улар томонидан жами 1 триллион 561 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Маҳсулотларнинг 1 триллион 371 миллиард сўмлик қисми ички бозорда сотилди, 190 миллиард сўмлиги эса экспорт қилинди. Маҳсулотларнинг 88 фоизи ички бозорга, 12 фоизи эса ташқи бозорга йўналтирилган. Бу, бир томондан, маҳаллий талабни қондиришда резидент корхоналарнинг ўрни ортиб бораётганини кўрсатса, иккинчи томондан, уларнинг ташқи бозорларга чиқиш салоҳияти шаклланаётганидан далолат беради. Амалга оширилган лойиҳалар натижасида 1 500 та янги иш ўрни яратилди.

Резидентлар томонидан кимё технологиялари соҳасида 38 та, қишлоқ хўжалигида 32 та, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари йўналишида 27 та, ахборот-коммуникация технологияларида 16 та, биотехнологиялар, фармацевтика ва тиббиёт биотехнологиялари бўйича 15 тадан, қурилиш материаллари соҳасида эса 13 та лойиҳа амалга оширилди.

Жорий йил сентябрь ҳолатига кўра, 50 та корхона “Яшнобод” инновация технопарки резиденти сифатида фаолият юритмоқда. Уларда 1 500 та доимий иш ўрни сақлаб қолинган. Сўнгги даврда мазкур корхоналар томонидан

226 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шундан 28,3 миллиард сўмлик маҳсулот Россия, Беларусь ва Қозоғистонга экспорт қилинди.

Бу рақамлар технопарк фаолияти самарадорлигини фақат резидентлар сони ёки амалга оширилаётган лойиҳалар билан эмас, балки реал иқтисодий натижа – ишлаб чиқариш, экспорт ва бандлик кўрсаткичлари билан баҳолаш имконини беради.

Имтиёзлар – тадбиркорлик ташаббусига рағбат

Инновацион ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, янги технологияларни ўзлаштириш кўпинча катта сармоя, замонавий ускуна ва узоқ муддатли режалаштиришни талаб этади. Шу нуқтаи назардан, тадбиркорлар учун яратилган иқтисодий ва ташкилий имкониятлар инновацион лойиҳаларнинг ғоядан амалиётга ўтишида муҳим омил ҳисобланади.

Технопарк резидентларига қонунчиликда белгиланган тартибда ер солиғи, мол-мулк солиғи ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича тақдим этиладиган имтиёз ва енгилликлар корхоналарнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Муҳими, тежалган маблағларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, замонавий ускуналар харид қилиш, янги технологияларни ўзлаштириш ва маҳсулот турларини кўпайтиришга йўналтириш корхоналарнинг кейинги босқичдаги ўсиши учун қўшимча имконият яратмоқда. Яъни имтиёзлар фақат молиявий енгиллик эмас, балки тадбиркорлик ташаббусини рағбатлантирувчи ва инвестиция фаоллигини оширувчи иқтисодий восита сифатида намоён бўлмоқда.

Технопаркнинг муҳим афзалликларидан яна бири – экстерриториаллик тамойили асосида фаолият юритиш имкониятидир. Бу инновацион лойиҳаларни фақат Тошкент шаҳри ҳудуди билан чеклаб қўймасдан, мамлакатнинг бошқа ҳудудларида ҳам амалга ошириш имконини беради. Бундай ёндашув чекка ҳудудларда янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, замонавий технологияларни жойларда жорий қилиш, маҳаллий ресурс ва салоҳиятдан самарали фойдаланиш ҳамда янги иш ўринларини яратиш учун муҳим аҳамият касб этади.

Инновацияга эътибор – келажакка инвестиция

Бугун технопарк фаолиятининг мазмуни фақат янги маҳсулот яратиш билан чекланмайди. Унинг бозорини шакллантириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, маҳсулот рақобатдошлигини ошириш, экспорт географиясини кенгайтириш ва илмий ишланмаларни тижоратлаштириш ҳам бирдек муҳим. Шу маънода, “Яшнобод” инновация технопаркини ғоядан тайёр маҳсулотгача бўлган жараённи ягона тизимга бирлаштирувчи инновацион экотизим сифатида баҳолаш мумкин. Бу ерда яратилган имкониятлар тадбиркорга ғояни шакллантиришдан тортиб, технологик ечимни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва маҳсулотни ички ҳамда ташқи бозорларга олиб чиқишгача бўлган жараёнда кўмаклашади.

Дунёда технологик рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги шароитда инновацияга эътибор – келажакка инвестиция демакдир. Мамлакатнинг рақобатдошлиги кўп жиҳатдан ўз технологиясини яратиш, илмий салоҳиятини ишлаб чиқаришга йўналтириш ва юқори қўшилган қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига боғлиқ. Зеро, тараққиётнинг янги босқичида рақобат устунлиги фақат мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш эмас, янги имкониятларни яратиш қобилияти билан ҳам белгиланади. Бу эса, аввало, илм-фан, инновация ва ишлаб чиқаришни бир мақсад атрофида бирлаштиришни тақозо этади. Яъни илмий ишланма лаборатория ёки илмий мақола доирасидагина қолиб кетмасдан, реал иқтисодий қиймат яратиши керак.

“Яшнобод” инновация технопаркининг бугунги фаолияти ана шу ёндашувнинг амалий натижаларини намоён этмоқда. Бу ерда илмий ғоя иқтисодий қийматга, технологик ечим рақобатдош маҳсулотга, тадбиркорлик ташаббуси эса янги иш ўринлари ва экспорт имкониятларига айланаётир. Демак, инновацияни қўллаб-қувватлаш бу фақат бугунги иқтисодий натижа эмас, балки мамлакатнинг эртанги технологик ва иқтисодий салоҳиятига замин яратишдир.



Ҳожибой КУРБОНИЁЗОВ,
“Яшнобод” инновация технопарки директори.

ИОРДАНИЯНИНГ АВАССИ ЗОТЛИ ҚЎЙЛАРИ ЮРТИМИЗДА

ЎЗБЕКИСТОН – ИОРДАНИЯ ҲАМКОРЛИГИ: СУТ ЙЎНАЛИШИДАГИ ҚЎЙЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг топшириғига асосан, Ўзбекистон Республикаси делегациясининг Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлигига ташрифи давомида Иордания қироллиги томонидан ҳадя қилиб берилган Авасси зотли қўйлар Ўзбекистонга олиб келинди. Уларни соф ҳолда кўпайтириш ва маҳаллий қўйлар билан чатиштириш бўйича ҳамкорликда тадқиқотлар олиб бориш бўйича Ўзбекистон ва Иордания ўртасида чорвачилик соҳасида янги ҳамкорлик сари муҳим қадам қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институтига Иордания давлатидан юртимизга илк бор дунёдаги энг машҳур сут йўналишидаги қўй зотларидан бири бўлган Авасси қўйлари олиб келишда катта кўмак берилди.

Авасси зоти Яқин Шарқда кенг тарқалган, дунёнинг энг сермаҳсул сут йўналишидаги қўй зотларидан бири ҳисобланади. Бу зот иссиқ ва қурғоқчил иқлимга чидамли, сув танқислигига ҳамда тоғ ва тоғ олди, чўл-яйлов шароитига жуда яхши мослашган. Яйлов озуқаларини яхши ўзлаштиради. Қўчқорларининг тирик вазни ўртача 80-100, урғочиларининг тирик вазни ўртача 50-70 кг.га эга бўлади. Туғилган қўзиларининг ўртача тирик вазни 4,7 кг.ни ташкил этади. Лактация давомийлиги 150 кун. Сут бериш миқдори лактация даврида ўртача 300-500 кг.ни ташкил этади. Сут таркибидаги ёғ 6-7 фоизни ташкил этади. Жуни дағал, зич ва узун, йилига 1,5-3 кг. жун беради. Сутидан пишлоқ, қатиқ ва бошқа сут маҳсулотлари тайёрланади.





Ҳозирги кунда Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан Авасси қўйларининг Ўзбекистоннинг табиий-иқлим шароитига мослашувчанлиги, маҳсулдорлик кўрсаткичлари, насл бериш хусусиятлари ва парваришлаш илмий асосда ўрганилмоқда.

Шунингдек, Авасси қўйларини маҳаллий зотлар билан чатиштириш орқали маҳаллий қўйларнинг аввало, сут маҳсулдорлигини ошириш, селекция ишларини такомиллаштириш ва юқори маҳсулдор дурагайларини олиш бўйича илмий тадқиқот ишлари йўлга қўйилди.

Аъзамжон НУРМАТОВ,
Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти директори, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим,

Шаҳноза ШОҲНАЗАРОВА,
институт бўлими бошлиғи, қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).



ҚУВА АНОРЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ ГЕОГРАФИЯСИ КЕНГАЙМОҚДА

(Боши 1-саҳифада)

Эътиборлиси, Қува анорларининг экспорт географияси йил сайин кенгаймоқда. Хусусан, маҳаллий боғбонлар етиштирган анорлар Жанубий Корея бозорида ҳам ўз ўрнини топмоқда. Халқаро кўргазма ва ярмаркаларда намойиш этилаётган маҳсулотларга хорижлик харидорларнинг қизиқиши ортиб, қувалик тадбиркорлар учун янги экспорт имкониятлари яратилмоқда.

Хориж бозорларига чиқишда маҳсулот сифати ва хавфсизлиги, шунингдек, белгиланган фитосанитар талабларга риоя этиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Фарғона вилояти Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги бош бошқармаси мутахассислари экспортёрлар ва боғбонларга амалий кўмак кўрсатмоқда.

Жумладан, экспорт учун зарур ҳужжатларни расмийлаштириш, маҳсулотларни импорт қилувчи давлатлар талаблари асосида тайёрлаш, фитосанитар сертификатлар олиш ҳамда бошқа ташкилий масалаларда яқиндан ёрдам берилмоқда.

Бу эса Қувада етиштирилаётган анорларнинг ташқи бозорларга чиқишини кенгайтириш, экспортёрларнинг вақтини тежаш ва маҳаллий маҳсулотларнинг халқаро бозордаги рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

Эълонлар

22-05/1398 рақами билан 2020 йил 2 июнда Солимухаммедов Илёс Баходир ўғли номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

07-22/263 рақами билан 1993 йил 20 апрелда Назиров Зикирия Баликович номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Маҳсулот сифатини халқаро мезонлар асосида баҳолаш мамлакатимизнинг экспорт имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилади





ПАХТА ТОЛАСИНИНГ ХАЛҚАРО МЕЗОНЛАРГА МОС МИЛЛИЙ СТАНДАРТЛАРИ СИФАТ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИК АСОСИ

(Боши 1-саҳифада)

Тадқиқот доирасида Ўзбекистонда пахта толасига оид амалдаги миллий стандартлар ИСО, АСТМ ва бошқа мамлакатларнинг стандартлари талаблари билан қиёсий таҳлил қилинди. Бунда пахта толаси сифат кўрсаткичларини аниқлаш усуллари, намуналар олиш, лаборатория синовларини ташкил этиш ва натижаларнинг ишончлилигига алоҳида эътибор қаратилди. Таҳлиллар айрим миллий стандартларда халқаро стандартлардан фарқ қилувчи талаблар ва синов усуллари мавжудлигини кўрсатди. Бундай тафовутлар экспорт жараёнида қўшимча синовлар ўтказилиши, қайта сертификатлаш зарурати ва ортиқча харажатларга олиб келиши мумкин. Шу сабабли, миллий стандартларни халқаро стандартлар билан босқичма-босқич уйғунлаштириш маҳсулот сифатини баҳолашда ягона ёндашувни шакллантириш, лаборатория синовларининг ишончлилигини ошириш ва ташқи савдодаги техник тўсиқларни камайтириш имконини беради. Пахта толасининг сифатига қўйиладиган талаблар унинг кейинги қайта ишланиш самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Толанинг сифат кўрсаткичларини аниқ баҳолаш юқори сифатли калава – ип ва тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг муҳим шарти ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, сифат кўрсаткичларини аниқлашда ягона ва ишончли синов усулларидан фойдаланиш ишлаб чиқарувчи ҳамда истеъмолчи ўртасида ишончни мустаҳкамлайди. Тадқиқот натижалари асосида пахта толасининг асосий сифат кўрсаткичларини аниқлашга қаратилган янги миллий стандартлар лойиҳалари ишлаб чиқилди. Уларни тайёрлашда ИСО, АСТМ ва бошқа стандартларининг тегишли талаблари ўрганилди ва миллий стандартларга уйғунлаштирилди. Жумладан, пахта толасининг сифат кўрсаткичларини аниқлашда қўйиладиган умумий талаблар бўйича миллий стандартлар ишлаб чиқилди.

Янги миллий стандартларнинг амалиётга жорий этилиши пахта толаси сифатини баҳолашда замонавий ва аниқ усуллардан фойдаланиш имконини кенгайтиради. Бу ўз навбатида, лабораториялар фаолиятини такомиллаштириш, синов натижаларининг таққосланувчанлигини таъминлаш ва маҳсулот сифатини объектив баҳолаш учун муҳим аҳамиятга эга. Миллий стандартларнинг халқаро мезонларга яқинлашиши ишлаб чиқарувчиларга ташқи бозор талабларини яхшироқ тушуниш ва маҳсулот сифатини шу талаблар асосида шакллантириш имконини беради. Лаборатория шароитида пахта толасининг сифат кўрсаткичлари бўйича амалий таҳлиллар ўтказилиб, олинган натижалар асосида миллий стандартлар такомиллаштирилди. Натижада, қуйидаги миллий стандартлар давлат рўйхатидан ўтказилди: ЎзМСт 938:2026 Пахта толаси, Узунликни аниқлаш усуллари, ЎзМСт 939:2026 Пахта толаси, Намликнинг массавий нисбатини аниқлаш усуллари, ЎзМСт 940:2026 Пахта толаси, Ранги ва ташқи кўринишини аниқлаш усуллари, ЎзМСт 941:2026 Пахта толаси, Нуқсонлар ва ифлос аралашмалар миқдорини аниқлаш усуллари, ЎзМСт 955:2026 Пахта толаси, Тўқимачилик материаллари, Чизиқли зичликни аниқлаш усуллари, ЎзМСт 956:2026 Пахта толаси, Тўқимачилик, Пахта толасининг ширдорлигини аниқлаш, Қўл термодетектори билан аниқлаш усули. Мазкур стандартларни ишлаб чиқишда АСТМ Д2495, АСТМ Д1684, АСТМ Д1447, АСТМ Д2812, АСТМ Д5866, ИСО 1973 ва ЭН 14278-1 каби халқаро стандартларнинг тегишли қоидалари ўрганилди.

Стандартларни халқаро талаблар билан уйғунлаштириш фақат меъёрий ҳужжатларни янгилаш билан чекланмайди. Бу жараён замонавий лабораторияларни ривожлантириш, юқори аниқликдаги синов ускуналарини жорий этиш, мутахассислар малакасини ошириш ва ўлчаш натижаларининг халқаро тан олинишини таъминлашни ҳам талаб этади. Пахта толасининг сифати ҳақидаги маълумотларни етиштиришдан тортиб қайта ишлаш ва экспортгача бўлган босқичларда рақамли тарзда кузатиб бориш маҳсулот сифатига бўлган ишончни, экспорт салоҳиятини оширади.

Бугунги кунда Ўзбекистон пахта-тўқимачилик тармоғида хомашё экспорт қилишдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга босқичма-босқич ўтиш жараёни давом этмоқда. Бундай шароитда маҳсулот сифатини халқаро мезонлар асосида баҳолаш мамлакатимизнинг экспорт имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.





Қадам ЖУМАНИЯЗОВ,
Толали экинлар илмий-тадқиқот институти директори, техника фанлари доктори, профессор,

Лола ДЖУНАЕВА,
институт лаборатория мудири, техника фанлари бўйича фалсафа доктори.

ҒАЛЛА ЭКИШДА ТЕХНИКА ВА АГРОТЕХНИКАНИНГ ЎРНИ



(Боши 1-саҳифада)

Ер тайёрлаш – мўл ҳосилнинг муҳим омили

Ғалла экишдан олдин далани экишга пухта тайёрлаш алоҳида аҳамиятга эга. Ўтган экиндан қолган ўсимлик қолдиқларини бошқариш, тупроқни юмшатиш, текислаш ва намликни сақлаб қолиш учун тегишли технологияларни қўллаш зарур. Ерга ишлов беришда техникалардан тўғри фойдаланиш тупроқнинг физик ҳолатини яхшилайди. Трактор ва агрегатларнинг созлиги, ишчи органларнинг тўғри ростланганлиги ҳамда даланинг ҳолатига мос технологиянинг танланиши катта аҳамиятга эга. Ернинг ҳаддан ташқари майдаланиб кетиши ёки аксинча, етарли даражада юмшатилмаслиги уруғнинг бир текис униб чиқишига салбий таъсир қилиши мумкин. Шу боис, ҳар бир даланинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, ишлов бериш тизимини танлаш лозим.

Замонавий сеялкалар – сифатли экиш гарови

Ғалла экишда энг муҳим талаблардан бири уруғни далага бир текис жойлаштиришдир. Замонавий сеялкалар уруғни белгиланган қатор оралиғи ва чуқурликда аниқ жойлаштириш имконини беради. Сеялканинг техник ҳолати яхши бўлмаса, уруғ айрим жойларда кўп, айрим жойларда эса сийрак тушиши мумкин. Натижада, ниҳолларнинг ривожланиши бир хил бўлмайди ва ҳосилдорлик пасаяди. Шунинг учун экиш мавсуми олдидан барча техникаларни пухта кўрикдан ўтказиш, сеялкаларнинг уруғ тушириш механизмларини текшириш, ишчи қисмларини созлаш ва экиш меъёрини назорат қилиш муҳимдир.

Экиш муддатига риоя қилиш муҳим

Ғалла экишда муддат масаласи ҳам катта аҳамиятга эга. Жуда эрта ёки кеч экилган ғалла ўсимликнинг кузги ривожланиши, қишдан чиқиши ва баҳорги вегетациясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабли экиш ишларини ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароити, навнинг биологик хусусиятлари ва агротехник тавсиялар асосида ташкил этиш керак.

Уруғлик сифати ва экиш меъёри

Ҳосилдорликка таъсир қилувчи асосий омиллардан яна бири сифатли уруғликдан фойдаланишдир. Экиш учун навдорлиги ва экишга яроқлилик кўрсаткичлари талабга жавоб берадиган уруғлик танланиши керак. Уруғликни белгиланган меъёрдан ортиқ ёки кам экиш ҳам кутилган натижани бермайди. Меъёридан ортиқ уруғ экилганда ўсимликлар ўртасида озиқа ва намлик учун рақобат кучаяди. Кам экилганда эса майдонда ўсимликлар сони етарли бўлмай, ҳосил салоҳияти пасайиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир нав ва даланинг шароитидан келиб чиқиб, мутахассислар тавсиясига мувофиқ экиш меъёрини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида техникалардан самарали фойдаланиш нафақат иш сифатини, балки иқтисодий самарадорликни ҳам белгилайди. Техниканинг мавсумга олдиндан тайёрланиши, ёнилғи-мойлаш материаллари билан узлуксиз таъминланиши, механизаторларнинг тажрибаси ва техника ҳаракатининг тўғри ташкил этилиши экиш ишларининг бир маромда боришини таъминлайди. Бир вақтнинг ўзида бир нечта техникани далага чиқаришдан кўра, уларнинг ишини аниқ режа асосида ташкил этиш, ҳар бир агрегатнинг кунлик иш унумдорлигини назорат қилиш ва аниқланган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш самарали натижа беради.

Агротехника ва техника бир-бирини тўлдиради

Ғалла етиштиришда техниканинг ўзи юқори ҳосилни кафолатламайди. Энг замонавий техника ҳам белгиланган агротехник талаблар бузилган ҳолда ишлатилса, кутилган натижани бермайди. Шу боис, техника имкониятларини агротехник талаблар билан уйғунлаштириш зарур. Ернинг сифатли тайёрланиши, уруғнинг тўғри чуқурликда экилиши, майдонда бир текис жойлаштирилиши, экиш муддатига риоя қилиниши ва кейинги парвариш ишларининг ўз вақтида бажарилиши – буларнинг барчаси якуний ҳосилга таъсир этувчи узвий жараёнлардир.

Хулоса қилиб айтганда, ғалла ҳосили экин даласида эмас, аввало экиш жараёнида яратилади. Сифатли тайёрланган ер, сара уруғлик, замонавий ва соз техника, тажрибали механизатор ҳамда агротехник талабларга қатъий риоя қилиш мўл ҳосилнинг мустаҳкам пойдеворидир. Шундай экан, ғалла экиш мавсумида техника ва агротехникани бир-биридан ажратмаган ҳолда, илмий асосланган ёндашув билан иш олиб бориш, ҳар бир гектардан самарали фойдаланиш ва ҳосилдорликни ошириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир.

Бобур ДАДАХОНОВ,
Дониёр ЖЎРАЕВ,
Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Наманган тумани бўлими бош мутахассислари.



"Қўл терими" тарихга айланиб кетадими?

(Боши 1-саҳифада)

Мана, сентябрь ойининг биринчи ўн кунлиги ўтди ҳамки, теримга киришилгани йўқ. Пахтазорлар оппоқ денгиз каби кўринади – очилмаган бирорта кўраги қолмаган. Бу ёқда ҳавоям деҳқонга қайишяпти – етарли даража иссиқ, осмонда бирорта булут йўқ. Лекин, кузнинг кутилмаганда қилиқ кўрсатиши бор.

Нега оммавий теримга киришилмаяпти?

"Анвар, Акбар" фермер хўжалиги раҳбари, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор" Юсуфбой Рўзметовга шу саволни бердим ва жавобидан ҳайратландим: "Ўтган йили ҳосилнинг ярмини машиналар ёрдамида йиғиштириб олгандим. Бу йил теримни юз фоиз машинада теришни режалаганман. Бу бир томондан камхарж, яна бир томони элатда уйма-уй юриб, бўш ўтирган хотин-қизларни теримга чорлаб юриш азобидан қутилдик. Бир ҳафта ичида ўзимизнинг ишчи-хизматчилар даланинг четки қаторларидаги пахтани териб, машиналар учун тахт қилиб қўйишади. У ёғига қарабсизки, кўпи билан ўн кунда барча ҳосилни териб, давлатга топширамиз".

Фермер гап орасида ўтган йили ҳар гектардан 55 центнерлик хирмон кўтаргани, бу йилги ҳосил чўғи ундан анча баланд эканини ҳам қистириб кетади.

"Боғот" фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Шарифбой ака Ражабовга юқоридаги саволни бериб, янада қизиқарли жавоб олдик: "Шунча йил пахта экиб, кўпи билан 40 центнер ҳосил оламиз, деб йил-ўн икки ой даладан чиқмай юрган эканмиз. Олдинлари ҳар гектарда ўртача (қорик оралиғи 60 ва 90 сантиметрлик усулда экилганида) 80 мингдан 110 мингтача ғўза тупи қолдирардик. Кўзланган режа уддаланиши учун ҳар тупда камида 15-16 кўрак бўлиши талаб қилинарди. Ҳозирда янги технология асосида экиб, ҳар гектарда 230 мингтача туп ғўза парваришладик. Ҳар туп ғўзада ўнтагача кўрак бор. Ундан ортиғини – тепа шохдаги ҳосил нишоналарини махсус дори сепиб, йўқ қилдик. Ахир, ўша кўраклар куз охирига пишиб етиларди, пахта терими чўзилиб кетишига сабаб бўларди. Тепа шохлардаги ҳосил нишоналари йўқотилиши пастки шохлардаги кўраклар тез ва бўлиқ етилишига имкон яратади. Яна барча кўраклар бир вақтда очилади. Бу эса бир теримда далани тозалаш ва режани бажаришга олиб келади. Яна ҳатто август ойида ҳам ғўза қатор ораларига техника киритар, қорик олиб, суғориш ва қорикни бузиб ташлаш амалиёти бажариларди. Бунинг учун озмунча ёқилғи кетмасди. Ғўза қатор ораларини бегона ўтлардан тозалаш азоби яганалашдан теримгача давом қиларди. Эндиликда бегона ўтлар кимёвий усулда бартараф этиляпти. Зич қолдирилган ғўза туплари орасида бегона ўтлар ривожланиши қийин кечади... Мана тежамкорлик, одамларни ортиқча қўл меҳнатидан озод қилиш!".



Боғот туманидаги Қулон Қорабоғ қишлоғида пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган ўн иккита йирик фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Ўтган йили икки фермер замонавий пахта терим машиналари харид қилган ва ўз далаларидаги ҳосилни йиғиштиргач, бошқа фермерларга кўмакка келишганди. Бу йил яна икки фермер пахта терим машинаси харид қилди. Бу ёқда кластер ҳам терим машиналари сонини икки ҳиссага ошириш чорасини кўрди.

...Ўтган йили айни терим авжига чиққан кезларда бир ғаройиб воқеа гувоҳи бўлдик. Эрталаб вилоят марказига кетаётганимизда қўшни элатдаги фермернинг ўттиз гектарлик пахтазорида иккита терим машинаси ишлаганини кўргандик, кечқурун қайтиб келаётганда қарасак далада на пахта машинаси бор, на пахта. Бир кунда ўттиз гектар майдондаги пахтасини териб, топширган фермерга ҳавасимиз келган. Чунки, шунча майдондаги пахтани қўлда тердирса, ҳар куни юз теримчига овқат пиширтириши бор, терилган пахтани тарозуда тортиб, трактор араваларига юклатиши бор. Қанча вақт, қанча харажат! Ўтган йили Хонқа туманининг Амударё этакларида деҳқончилик қилаётган фермерлари ўн кун ичида 600 тонна пахтани машиналарда теришгани ҳақида ёзгандик. Одамлар яшамайдиган, яъни теримчилар йўқ ҳудудда деҳқончилик қилаётган фермерлар воҳада биринчилардан бўлиб барча ҳосилни машиналарда териб олиш амалиётини бошлаб беришгани таҳсинга лойиқ эди. Бир йил ичида бу тажриба барча ҳудудларга тарқалиб улгурди.

Ҳар йили мавсумда эрта тонгдан теримга кетаётган хотин-қизларга кўзимиз тушарди. Улар кечқурун ҳорғин қайтишаётганларида машҳур шоиримизнинг "Миллион эгатларга сочилган ўзбек" сатрлари беихтиёр ёдимизга келарди. Энди эса... кўча-куйда теримга шошаётган одамни учратмайсиз, гарчи пахталар қийғос очилиб ётган бўлсада. Қишлоғимиздаги фермерлар бу мавсумда илк бора қўл теримидан воз кечишяпти. Бу тарихий ҳодиса! Бу юртимизда инсон омилига бўлган эътиборнинг самараси , қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотларнинг амалий натижаси.

...Яқин йилларда чаманчаман очилган пахталарни тераётган, чаккасига лўппи чаноқни тақиб олган теримчиларни фақат тарихий ҳужжатли киноларда кўрамиз, шекилли?

Рўзимбой ҲАСАН

↘ *Эълон*

Гулистон шаҳри Давлат хизматлари маркази томонидан 2010 йил 4 мартда Давлат рўйхатидан ўтказилган "NORIK-CREDIT LOMBARD" МЧЖнинг (СТИР: 301529637) юридик манзили Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри Намуна маҳалласи Бирлашган кўчасидан Тошкент шаҳри Чилонзор тумани "Ц" мавзеси 37-уй 17-хонадон манзилига ўзгарганлиги маълум қилинади.

Микрокредитбанк тизимида фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш алоҳида эътибор қаратиладиган йўналишлардан бири ҳисобланади. Банк тизимида меҳнат фаолиятини олиб бораётган мутахассислар ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири турганлигини чуқур англаган ҳолда, уларда кўтарилган масалаларни эътибордан четда қолдирмасликка, ўрганиш ишлари натижалари билан уларни фуқаролар фойдасига ижобий ҳал қилишга ҳаракат қилишмоқда.



↘ *Реклама ҳуқуқида*

MKBANK

МУРОЖААТЛАР ОРТИДА ИНСОН МАНФААТЛАРИ БОР

Мисол учун жорий йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида банкка юқори инстанциялар орқали ҳамда тўғридан-тўғри жами 3 461 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 458 таси юридик шахслар, 3003 таси жисмоний шахслар ҳиссасига тўғри келди.

Ушбу мурожаатларнинг 3 057 таси белгиланган муддатидан олдин, 404 таси белгиланган муддатда кўриб чиқилди.

Аҳоли ва тадбиркорлар томонидан юборилаётган мурожаатлар сабаблари ўрганилиб, ҳар бир йўналиш бўйича қатъий чоралар кўрилиши ҳамда таҳлил қилиб борилиши натижасида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан давлат дастурлари, ипотека, таълим, микроқарз ажратиш 74 тага, тижорат кредити ажратиш 60 тага, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасидаги мурожаатлар эса 148 тага камайди.

Банк бошқарувининг ҳар ой якуни бўйича қарорларида банкнинг ҳудудий бўлинмаларига мурожаатлар билан ишлашни самарали ташкил этиш, мурожаат тушган кундан бошлаб ижросига тезкор киришиш, банкка мурожаат қилиб келган фуқароларнинг масалаларини жойида ҳал этиш борасида зарурий топшириқлари ўзининг



ижобий самарасини бермоқда. Буни ўтган йилнинг мос даврига нисбатан Президент виртуал ва халқ қабулхоналарига юборилган мурожаатлар сони камайгани ҳам исботлаб турибди.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида республика бўйича юборилган мурожаатлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 657 тага камайган.

Албатта, бу борада қилинадиган ишларимиз талайгина. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳисобот даврида энг кўп мурожаатлар Наманган, Сурхондарё, Қашқадарё, Андижон, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри ҳудудий бошқармалари ҳиссасига тўғри келган. Мурожаатлар тушаётган ҳудудлар кесимида маълумотлар таҳлил қилиниб, масаланинг келиб чиқиш негизлари ҳам ўрганиб борилмоқда. Таъкидлаш лозимки, банкка тўғридан-тўғри келиб тушган мурожаатларни таҳлил қилиш, тизимли камчиликларни бартараф этиш билан бирга давлат раҳбарининг тадбиркорлар билан "Очиқ мулоқот" ўтказиш бўйича Республика штабига келиб тушган мурожаатларни тезкор кўриб чиқиш ишларига ҳам эътибор қаратилди.

Республика штаби орқали банкка келиб тушган жами 111 та мурожаатнинг 36 таси ижобий ҳал этилди, 75 тасига ҳуқуқий тушунчалар берилди.

Республика штабига келиб тушган мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқиш, мурожаат келиб чиқишига сабаб бўлаётган омиллар, тизимли камчилик ва муаммоларни бартараф этиш ва мурожаатларга тезкор жавоб бериш мақсадида 7 та таркибий бўлинмага 50 та тавсия хати тақдим этилди.



Бундан ташқари, ҳудудларда аҳоли ва тадбиркорлар иштирокида 184 та сайёр қабуллар ташкил этилиб, 1,5 мингга яқин аҳоли ва тадбиркорларнинг мурожаатлари ҳам кўриб чиқилди. Мазкур сайёр қабуллар давомида 1375 та мурожаат ижобий ҳал этилиб, шундан 1188 нафарига 37,5 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилган бўлса, 119 нафар мурожаат муаллифларига ҳуқуқий тушунчалар берилди.

Шунингдек, банк бошқаруви томонидан ҳудудларда тадбиркорлар билан 63 та учрашув ва очиқ мулоқот ташкил этилди. Уларда тушган 635 та мурожаатнинг 625 таси ижобий ҳал этилди.

Сирасини айтганда, Микрокредитбанк тизимида аҳоли ва тадбиркорларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизими янги босқичга чиқмоқда. Зеро, ҳар бир мурожаат замирида инсон манфаати бор, уни таъминлаш эса ҳар биримизнинг вазифамиздир.

Обиджон РАҲМАТОВ,
"Микрокредитбанк" АТБ Мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи.

ЭНЕРГЕТИК ИЧИМЛИКЛАР ОРГАНИЗМГА ҚАНДАЙ ТАЪСИР ҚИЛАДИ?



(Боши 1-саҳифада)

Дўконларда ва интернетда энергетик ичимликларнинг 50 дан ортик турлари мавжуд. Аммо улар ҳакида ҳамма нарсаларни биламизми? Экспертларда бу таркиблар жиддий хавотир уйғотмоқда.

Энергетик ичимликлар бозорда илк бор 1990 йилларнинг охирида пайдо бўлди ва тез фурсатда оммалашиб, кенг тарқалди. Таркибини батафсил кўриб чиқсак, ҳар бир банкада қуйидаги хавфли моддалар яширинганини кўрамиз:

• Кофеин ва унинг аналоглари: асосий стимулятор ҳисобланиб, марказий асаб тизимини ҳаддан ташқари қўзғатади. Бир банка энергетикда бир неча стакан кучли қаҳва ёки бир неча пиёла қора чойга тенг миқдорда кофеин бўлиши мумкин.

• Юқори миқдордаги шакар ва ширинлаштирувчилар: бир банка энергетик ичимликда ўртача 10 дан 14 чой қошиққача шакар бўлади. Бу қондаги қанд миқдорининг бир зумда кескин ошиб кетишига олиб келади.

• Гуарана, женьшень ва таурин: булар табиий компонентлар сифатида реклама қилинса-да, сунъий муҳитда ва юқори дозаларда қўлланилганда организмга кучли стресс беради. Хусусан, таурин юрак ҳужайраларидаги кальций алмашинувига таъсир қилиб, унинг фаолиятини ўзгартиради.

• В гуруҳи витаминлари: гарчи улар фойдали туюлса-да, энергетика таркибидаги сунъий синтеник витаминлар дозаси меъёрдан бир неча баробар юқори бўлиб, юрак уришининг тезлашишига ва асабийликка сабаб бўлади.

• Консервантлар ва кислоталилик регуляторлари (лимон кислотаси кабилар): бу моддалар ичимликнинг сақлаш муддатини узайтиради, лекин ошқозон шиллиқ қаватини кучли тарзда шикастлайди.

Организмнинг асосий тизимларига етказиладиган зарар

Энергетик ичимликларнинг мунтазам ёки назоратсиз истеъмол қилиниши инсоннинг ҳеч бир аъзосини четлаб ўтмайди. Уларнинг таъсири қуйидаги тизимларда яққол намоён бўлади:

Юрак-қон томир тизимига зарба

Энергетик истеъмол қилингандан сўнг бир неча дақиқа ичида юрак уриши тезлашади, артериал босим кескин кўтарилади. Юрак мушаклари одатдагидан бир неча баробар тезроқ ва оғирроқ ишлашга мажбур бўлади. Бу ҳолатнинг мунтазам такрорланиши қуйидаги патологияларга олиб келади:

• Тахикардия (юрак уришининг меъёрдан ортиқ тезлашиши);

• Юрак аритмияси (юрак ритмининг бузилиши);

• Гипертония (қон босими доимий равишда юқори бўлиши);

• Келажакда инфаркт ёки инсульт хавфининг кескин ортиши.

Асаб тизими ва руҳий ҳолатнинг бузилиши

Дастлабки соатлардаги фаоллик ва диққатни жамлаш қобилияти тезда ўз ўрнини ҳаддан ташқари чарчоқ, асабийлик, лоқайдлик ва тушкунликка (депрессияга) бўшатиб беради. Кофеин ва стимуляторлар мия фаолиятини зўриқтириб, асаб тизимини "чарчатади". Оқибатда:

• Сурункали уйқу бузилиши ва инсомния (уйқусизлик) пайдо бўлади;

• Сабабсиз хавотир ва ваҳима (паника) хуружлари кузатилади;

• Инсон шундай ичимликларга психологик ва жисмоний жиҳатдан қарам бўлиб қолади, уларсиз одам ўзини доимо холсиз ва ожиз ҳис қилади.

Ошқозон-ичак тракти ва моддалар алмашинувининг издан чиқиши

Юқори кислоталилик ва кимёвий қўшимчалар коктейли ошқозоннинг ҳимоя тўсиғини емириб юборади. Натижада қуйидаги муаммолар юзага келади:

• Гастрит ва ошқозон ёки ўн икки бармоқли ичак яраси;

• Жигар ва буйракларнинг ортиқча зўриқиши (чунки улар бундай кимёвий «зангори» моддаларни организмдан чиқариб ташлаш учун тинимсиз ишлайди);

• Қондаги қанд миқдорининг кескин сакраши ҳисобига ошқозон ости безининг инсулин ишлаб чиқариш тизими чарчайди. Бу эса ўз навбатида 2-тур қандли диабет касаллигини келтириб чиқаради.

Ўсмирлар ва ёшлар учун ўта хавфли жиҳатлари

Статистик маълумотларга кўра, энергетик ичимликларнинг асосий истеъмолчилари ўсмирлар ва ёшлардир. Бироқ ёш организм бундай зарбаларга катталарга қараганда анча ҳимоясиз бўлади. Ўсмирларда ҳали асаб ва юрак-қонус томир тизими тўлиқ шаклланмаган бўлади. Энергетикларни ичиш ўсмирларда агрессиянинг ошишига, ўқишга бўлган эътиборнинг пасайишига ва ҳатто юракнинг тўсатдан тўхташи каби фожиали ҳолатларга сабаб бўлиши мумкинлиги тиббиётда кўп бор қайд этилган. Айниқса, спорт билан шуғулланиш пайтида ёки жисмоний машқлардан кейин энергетик ичимлик ичиш юракка берилган ўта хавфли ҳалокатли зарба ҳисобланади.

Олимлар энергетик ичимликларни тез-тез истеъмол қилиш жигарнинг яллиғланиш касалликларини келтириб чиқариши мумкин, деган хулосага келишди. Организмнинг энг муҳим ҳаётий органларидан бири сифатида жигар зарарли моддаларни қайта ишлаш, қонни фильтрлаш ва инфекцияларга қарши курашиш учун жавобгардир. У яллиғланганда ёки ташқи патогенлар томонидан шикастланганда функциялари тез суръатда пасаяди – жигар етишмовчилиги ривожланади. Бу В гуруҳи витаминлари, жумладан, ниацин жигарда сақланиши ва у ерда жуда кўп тўпланиб колиб, зарар етказа бошлаши билан боғлиқ. Натижада, жигар яллиғланади ва токсинларни тўғри фильтрлай олмайди. Бу эса гормонал дисбаланс ва сариқлик, гепатит ривожланиш хавфининг ортишига олиб келади.

Энергетик ичимликларнинг инсон организмига етказадиган зарари ҳақида гапирилганда, кўпинча юрак ва асаб тизими, жигар тилга олинади, бироқ бундай кимёвий коктейлларнинг асосий зарбасини қабул қиладиган яна бир муҳим аъзо бу буйраклардир. Буйраклар организмнинг фильтри ҳисобланиб, қонни турли токсинлар ва ортиқча моддалардан тозалайди. Энергетиклар эса бу аъзонинг ишини кескин оғирлаштириб, жиддий патологияларни келтириб чиқаради.

Ҳа, энергетик ичимликлар инсонга ҳақиқий қувват бермайди, балки у организмнинг келажакдаги захираларини ҳозирнинг ўзидаёқ мажбуран ва фоизлар билан сотиб олишга мажбур қиладиган алдамчи воситадир. Бир соатлик вақтинчалик тетиклик эвазига соғлиқни хавф остига қўйиш ҳеч қачон оқланмайди. Табиий қувват манбалари – тўлиқ ва соғлом уйқу, витаминларга бой соғлом овқатланиш, тоза ҳавода сайр қилиш ҳамда жисмоний фаоллик организмнинг чинакам ва хавфсиз энергетикаси ҳисобланади.

Ф. ШОКИРОВА,
Тошкент давлат тиббиёт университети катта ўқитувчиси.

Agrar ta'limda HECI yondashuvlarini keng joriy etish bo'yicha workshop o'tkazildi



Toshkent davlat agrar universitetida "Insoniylik, axloq, ijodkorlik va tasavvur" (HECI) fani hamda ushbu fan uchun maxsus yaratilgan yangi o'quv qo'llanmaga bag'ishlangan workshop tashkil etildi.



HECI – insoniylik, axloq, ijodkorlik va tasavvur tamoyillarini ta'lim jarayoniga integratsiya qiluvchi yondashuv bo'lib, talabalarni nafaqat kasbiy bilimga ega, balki insonparvar, axloqiy mas'uliyatli, kreativ, mustaqil fikrlaydigan va innovatsion tafakkurga ega mutaxassislar sifatida shakllantirishga xizmat qiladi.



TDAUda HECI yo'nalishida amalga oshirilayotgan ishlar:

TDAU va Qishloq xo'jaligi vazirligi hamkorligida HECI yo'nalishi bo'yicha ekspertlar tayyorlandi;

fanni samarali o'qitish uchun yangi o'quv-uslubiy ko'rsatma ishlab chiqildi;

"Agroiqtisodiyot, logistika va xizmatlar" fakultetining 2-qavati, 204-auditoriyasida maxsus HECI o'quv xonasi tashkil etildi;

fan doirasida 1200 nafardan ortiq bakalavriat, 500 nafardan ortiq magistratura va 150 nafardan ortiq doktorant uchun mashg'ulotlar yo'lga qo'yildi;

HECI bo'yicha o'quv adabiyotlari professor-o'qituvchilar va talabalar foydalanishi uchun TDAU Axborot-resurs markaziga topshirildi.

Shuningdek, yangi o'quv yilining "Birinchi kurs maktabi" va tanishtiruv haftaligi doirasida 1-bosqich talabalari uchun fakultetlarda maxsus seminarlar tashkil etilib, ularga HECI yondashuvlarining mazmuni hamda ta'lim va kelajakdagi kasbiy faoliyatdagi ahamiyati tushuntirildi.

TDAU axborot xizmati

УЗОҚ ЙИЛЛАРДАН БЕРИ ИШЛАТИБ КЕЛИНАЁТГАН НАСОС АГРЕГАТЛАРИ ЗАМОНАВИЙЛАРИГА АЛМАШТИРИЛДИ

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Беруний насос станциялари ва энергетика бошқармаси ҳисобида 55 насос станция мавжуд бўлиб, уларга 126 та насос агрегати бириктирилган. Улар орқали Беруний, Тўрткўл, Элликқала туманлари ҳудудларидаги 48 минг гектарга яқин қишлоқ хўжалиги экин майдонларига сув чиқариб келинмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг етти ойи давомида қишлоқ хўжалиги экин майдонлари ва иқтисодиёт тармоқларига насос станцияларимиз орқали Амударё ва ички каналлардан шўр-ювиш ва суғориш мақсадларида салкам 300 млн. метр куб обиҳаёт чиқариб берилди.

Бошқармамизнинг туман шахобча бўлимларида давлат насос станцияларида энергетика тармоғида устувор вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан ҳам қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Президентининг тегишли қарори доирасида бошқармага қарашли ПНС "59 насос станциясида қуввати 1000 кВт бўлган қуёш фотостанциялари қурилиб, ишга туширилди. Шунингдек, насос станцияларда энергия самарадорликка эришиш мақсадида, узоқ йиллардан бери ишлатиб келинаётган 0,5 м3/сек қувватидаги СНПЭ 500/10 насос агрегатлари 54 та К500-7 русумли насос агрегатига алмаштирилди. Ҳозирда ушбу энерготежамкор насос агрегатлари тўлиқ ишга туширилди. Эски насос агрегатларида ўртача 90 кВт/соат электр энергияси сарфланган бўлса, янги агрегатларда бу кўрсаткич 52,8 кВт/соатни ташкил этиб, натижада 58 фоиз электр энергияси тежалишига эришилмоқда. Бошқармамиз томонидан ўтган йилнинг шу кунига нисбатан ўрнатилган янги электродвигател ва қуёш фотоэлектр станциялари орқали жами 4 млн. 230 кВт/соат электр энергияси иқтисод қилинишига эришилди. Ушбу ишларнинг давоми сифатида Тўрткўл туманидаги 15 та насос станцияга жами 215 кВт қувватидаги қуёш фото станцияларини қуриш вазифаси белгиланиб, ҳозирда бу топшириқ ижросини таъминлаш йўл харитаси ишлаб чиқилди.

Жасур ХАЛМУРАТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Беруний насос станциялари ва энергетика бошқармаси бошлиғи.

↘ *Эълонлар*

04-02/9026 рақами билан 1993 йил 27 январда Расулкулова Мамуда Эркиновна номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

07-01/5215 рақами билан 1993 йил 12 февралда Фаткулин Рафис Ильясович номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Qishloq hayoti

MUASSISLAR:
O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi kompleksi tarkibidagi hamda boshqa daxldor vazirlik va idoralar.

Bosh muharrir:
Chori LATIPOV

Tahrir hay'ati:
Ibrohim ABDURAHMONOV, Shavkat HAMROYEV, Narzullo OBLOMURODOV, Eshmirza ABDUALIMOV, Habib TEMIROV, Raimqul SUYAROV *(bosh muharrir o'rinbosari).*

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 2009-yil 13-fevralda № 0020-raqam bilan ro'yxatdan o'tkazilgan.
Hajmi 2 bosma taboq. Ofset usulida bosildi, qog'oz bichimi A-2. Nashr indeksi – 144.
Buyurtma G-917. 1840 nusxada chop etildi.
Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dizayner: Marks YUSUPOV.

Tahririyat manzili:
Toshkent viloyati Qibray tumani, Universitet ko'chasi, 2-uy.
Telefonlar: +998 77-080-43-70, +998 99-050-69-45.
Reklama va e'lonlar – (998 90) 317-19-16.
E-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Bahosi kelishilgan narxda.
Gazeta "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Bosmaxona manzili: "Buyuk Turon" ko'chasi, 41-uy. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7021

Bosishga topshirish vaqti: 21.00
Bosishga topshirildi: 20.45